O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Majburiy bepul nusxa



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 11 ноябрь, № 218 (5133) Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА ЖИҲОЗЛАШ БЎЙИЧА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш натижасида республикада халқаро стандартларга мос келадиган узлуксиз мажбурий умумий ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг 12 йиллик тизими вужудга келтирилди. 1536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, амалда барча умумтаълим мактаблари, таълим муассасалари қошидаги 1817 та спорт заллари намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди, мукаммал реконструкция қилинди ҳамда замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва ўқув асбоб-анжомлари билан жиҳозланди.

Таълим муассасаларининг барпо этилган моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва муттасил янгилаб боришни таъминлаш, уларни тизимли асосда энг замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва асбоб-анжомлар билан қайта жиҳозлашни, шунингдек, илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарманинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Жамғармага келиб тушаётган маблағларни кейинчалик улардан таълим муассасалари — умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) мақсадида фойдаланиш учун жамлаш;

таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, шу жумладан, зарур ҳолларда ўқув корпусларини ўқув устахоналари ва лабораториялар билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича ишларни молиялаштириш;

замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, тасдиқланган нормативлардан келиб чиқиб, таълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси ҳамда ахборот-коммуникация таълим технологияларининг бошқа элементлари билан, шунингдек, ўқув мебели ва асбоб-анжомлари билан тизимли қайта жиҳозлаш ҳамда тўлиқ жиҳозлашни молиялаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, тугатилаётган бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг барча актив ва пассивлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармага топширилади.

4. Қуйидагилар Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарманинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Жамғармага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ажратмаларни тўлашдан тушадиган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари (қарзлари);

хайрия қилувчилар — юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Белгилансинки, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Қуйидагилар:

Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сонини 4 нафарга кўпайтирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг марказий аппарати таркибида бошқарув ходимлари сони 7 нафардан иборат Жамғарма Ижроия дирекциясининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидагилар:

ҳудудий молия бошқармаларининг тузилмасида молия органлари бўйича белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида 2 нафар ходимдан иборат Жамғарма маблағларини ҳисобга олиш, улардан фойдаланишни таҳлил ва мониторинг қилиш шўъбаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг белгиланган ходимлар сони доирасида 3 нафар ходимдан иборат Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат шўъбаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг операцион бошқармаси тузилмасида 2 нафар ходимдан иборат ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармаларининг операцион бўлимларида молия органлари учун белгиланган ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида 1 нафар ходимдан иборат шўъба;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тузилмаларида бошқарув ходимлари сони марказий аппаратларда 3 нафардан иборат бўлган таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг манзилли рўйхатларини шакллантириш ва мониторинг қилиш гуруҳлари ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармаларида мазкур тузилмаларнинг белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида 2 нафардан иборат тегишли шўъбалар ташкил қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг тузилмасига туман (шаҳар) молия бўлимларидаги тегишли лавозимларни қисқартириш ҳисобига таълим муассасалари биноларининг техник ҳолати, инфратузилмаси ва жиҳозланиши масалалари бўйича 1 нафардан мутахассис (муҳандис) лавозимини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг маблағларидан, айниқса, таълим муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва анжомлар билан тўлиқ жиҳозлаш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб ва оқилона фойдаланиш устидан тизимли асосда доимий мониторинг олиб борсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иштирокида ҳудудлар бўйича таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга оид таклифларни шакллантирадилар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тасдиқлаш учун белгиланган муддатдан уч ой олдин ана шу таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига киритадилар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига келиб тушадиган маблағлар доирасида Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш Дастурининг узил-кесил параметрларини шакллантирадилар ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси киритиладиган муддатларда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этадилар;

Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш Дастури ҳар йили тасдиқланадиган Инвестиция дастурига мустақил бўлим сифатида киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда икки ҳафта муддатда Жамғарма тўғрисидаги Низомни ҳамда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Тартибини тайёрласин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қуйидагилар:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича буюртмачи вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати зиммасига;

таълим муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича буюртмачи вазифаси, берилган ваколатлар доирасида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази зиммасига юклансин.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни, таълим муассасаларининг барпо этилган моддий-техника базаси негизида замонавий таълим технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланишнинг ижобий тажрибасини кенг ёритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси тўғрисидаги Низомни, таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Тартибини, шунингдек, таълим стандартларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва анжомлар билан жиҳозлашнинг янгиланган нормативларини тасдиқласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 10 ноябрь

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК

**мамлакатимизда яратилган катта имкониятлар туфайли тобора ривожланиб бормокда**



***Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб бораётир. Жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, республикамиз ялпи ички маҳсулотида соҳа вакилларининг улуши 48,5 фоизни ташкил этиб, яратилган иш ўринларининг 503 мингтаси уларнинг ҳиссасига тўғри келгани шундан далолат беради.***

Дарҳақиқат, юртимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани туфайли нафақат аҳоли бандлиги таъминланаяпти, балки турмуши ҳам тобора фаровонлашиб бормоқда.

Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдомарказ" мажмуасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон — Хитой савдо уйи ҳамда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Minitech.uz" саноат маҳсулотлари ва ускуналар иккинчи халқаро кўргазмаси худди шундай тадбирлардан биридир. Чунки халқаро кўргазма доирасида дунёнинг соҳани ривожлантиришга мўлжалланган илғор ускуналари намойиш этилаяптики, ташриф буюрувчилар улар билан яқиндан танишиб, манфаатли шартномалар тузиш имконига эга бўладилар.

**Халқаро кўргазма**

Халқаро кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга, Ҳиндистон ва Хитой давлатларининг 50 дан ортиқ компаниялари томонидан қишлоқ хўжалиги, қурилиш, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган технологиялар, шунингдек, тайёр маҳсулотлар тақдим этилмоқда. Масалан, Хитойнинг "Kernour" компанияси пўлат қобиқли труба ва турли ҳажмли шиша идишлари қаторида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ускуналарини, "Бенма" компанияси эса юк етказиш бўйича хизматларини таклиф қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 10 ноябрда бўлиб ўтган мажлисида халқ депутатлари Бухоро ва Сирдарё вилоятлари Кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастури бажарилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.***

Мажлисда мазкур Давлат дастурини бажариш мақсадида халқ депутатлари Бухоро ва Сирдарё вилоятлари Кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан барча таълим муассасаларининг моддий-техника базасини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш, ҳар бир маҳалла, квартал ва микрорайонда болалар ва спорт майдончаларини тиклаш ҳамда реконструкция қилиш, олий ўқув юртларининг янги ўқув биноларини қуриш, болалар спорт саройлари, сузиш ҳавзаларини спорт анжомлари билан жиҳозлаш, ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашишларида ёрдам кўрсатишга қаратилган "Баркамол авлод йили"нинг тегишли минтақавий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Юқорида номлари келтирилган вилоятлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари ва уларнинг доимий комиссиялари мажлисларида Давлат ва минтақавий дастурларни бажариш масалалари мунтазам равишда муҳокама этилмоқда, уларни рўёбга чиқариш устидан назоратни амалга ошириш учун депутатлар корпуси имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Сана**

***Фан-техниканинг шиддат билан ривожланиб бориши XXI асрнинг ўзига хос анъанасига айланиб улгурди. Энг замонавий технологиялар эса олиму мутахассисларнинг салмоқли кашфиётлар, ихтироларни амалга оширишлари учун замин яратмоқда.***

## ФАН — ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Давлатлар ўртасида интеграциялашув жараёни жадал давом этаётган бугунги даврда ривожланишга қаратилган бундай изланишларнинг аҳамияти жуда катта. Мамлакатимизда ҳам ушбу соҳа равнақига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустаҳкам ҳуқуқий ва моддий-техник асос юртимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга пойдевор бўлмоқда.

Кеча пойтахтимизда 10 ноябрь — Жаҳон фан кунига бағишлаб ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар ҳам Ўзбекистонда фан-техника тараққиёти учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар, амалга оширилаётган кўплаб инновацион лойиҳалар ҳақида сўз юритиб, бу саъй-ҳаракатлар пировард натижада ижтимоий-иқтисодий фаровонликка хизмат қилаётганини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

## ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

***Пойтахтимизда 10 ноябрь куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, машинасозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, кимё саноати каби қатор соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси Ш. Файзуллаев Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқди.

**Ҳамкорлик**

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Савдо-иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2009 йили 8,2 фоиз ошди. Юртимизда уч юз элликдан зиёд Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси, Жанубий Кореядаги тўқсонга яқин фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, енгил саноат, металлни қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир.

Форумда кореялик ишбилармонларга Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг имкониятлари билан танишди.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

***2010 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда маҳсулотлар экспорти ҳажми***

**10 фоизга кўпайди.**

Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштириш бўйича самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли соҳада шундай ижобий натижага эришилди.

# «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши ҳузурида депутатлар ва мутахассислардан иборат "Баркамол авлод йили" Давлат ва минтақавий дастурлари бажарилишини назорат қилишни амалга оширувчи комиссия тузилган. Бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан ҳудудий дастур минтақавий муаммоларни ҳал этишни кўзда тутадиган 30 та янги банд билан тўлдирилган, улар бўйича тадбирларни амалга ошириш учун 4 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилган.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ҳамда Маданият ва истироҳат боғларини комплекс реконструкция қилишнинг 2010 — 2015 йилларга мўлжалланган дастури лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Шу билан бирга, масалани муҳокама қилиш асносида сўзга чиққан сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари мавжуд камчилик ва хатоларга эътиборни қаратдилар, юқорида номлари келтирилган халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда вазирликлар томонидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастури сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан янада самарали чоралар кўрилиши зарурлигини таъкидладилар.

Масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Шу куни Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан бирга мазкур университетнинг Маданият саройида "Жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш — давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда ёшларни тарбиялаш масалаларига катта эътибор берилаётгани қайд этилди. Хусусан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш кафолатини таъминловчи тегишли қонунчилик базаси яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасида "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган 2010 йилнинг моҳиятини ёритиб берар экан, "барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси турибди", деб алоҳида таъкидлаган эди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида Ўзбекистонда жисмонан соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари, йигит ва қизларнинг ҳар жиҳатдан етук шахс бўлиб шаклланишлари учун зарур имкониятлар ва шароитлар яратилмоқда.

Давра суҳбати қатнашчилари ўз чиқишларида мамлакатда, шу жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, болалар спорти, маданият тизимларини ривожлантириш соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровлиислоҳотлар, шунингдек, таълим муассасалари, тиббиёт хизмати, спорт ва мусиқа мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болалар ва ёшлар ўртасида турли олимпиадалар, танловлар, спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшларнинг маънавий қиёфасини шакллантиришга ва уларни ижодий ҳамда тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган ғоявий-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги ишларнинг муҳимлигига эътиборни қаратдилар. Улар, шунингдек, ўқув муассасалари, хотин-қизлар қўмиталари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ижодий уюшма ва ташкилотларнинг жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялашдаги биргаликдаги фаолиятларини янада кучайтириш, шунингдек, ушбу масалалар бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий базани ҳозирги талабларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Сенат Қўмитаси мажлисида ва давра суҳбатида сенаторлар, халқ депутатлари Бухоро ва Сирдарё вилоятлари Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Адлия вазирликлари ва Бош прокуратураси, Республика Маънавият тарғибот маркази вакиллари, олий ўқув юртлари ректорлари, Тошкент шаҳар академик лицейлари ва касб-ҳунар коллежлари директорлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

# АҲОЛИ БАНДЛИГИ — УСТУВОР ВАЗИФА

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Тадбир 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг асосий йўналишлари ва кўрсаткичлари муҳокамасига бағишланди.***

Маълумки, 2011 йилга мўлжалланган янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурлари туман, шаҳар миқёсида ташкил этилган махсус комиссиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг бевосита иштирокида ишлаб чиқилган ва маъқулланган. Ўз навбатида, тадбир иштирокчилари ушбу дастурнинг асосий йўналишлари ва прогноз параметрларига алоҳида тўхталдилар.

Эътироф этилганидек, дастур 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишлари билан мувофиқлаштирилгани, у кичик бизнеснинг ролини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини устувор тарзда ривожлантириш, касаначилик ва ҳунармандчилик каби бандликнинг самарали шаклларини янада такомиллаштириш каби қатор йўналишлар қамраб олинганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бунинг самараси ўлароқ, 2011 йилда 956,2 мингта иш ўрни ташкил этиш назарда тутилаётир. Шундан келиб чиқиб, семинарда 2011 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

бандлигини таъминлаш дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан депутатлар келгуси йилда ўз сайлов округларида доимий мониторинг ўрнатиши лозимлиги қайд этилди.

Дастурда, шунингдек, аҳоли зич жойлашган Фарғона водийси вилоятларида 241,3 мингта, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 107,9 мингта, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 82,1 мингта, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 166,7 мингта иш ўрни, шунингдек, янги иш жойларининг 92 мингтадан зиёди Самарқанд вилоятида, 113,9 мингтаси Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳамда 86,9 мингтаси Қашқадарё ва 64,6 мингтаси Сурхондарё вилоятида яратилиши кўзда тутилган.

Иш ўринлари ташкил этишнинг ишлаб чиқилган параметрларини амалга ошириш, семинар иштирокчилари таъкидлаганидек, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларни, хусусан, таълим муассасаларининг 490 минг нафардан ортиқ битирувчиларини, шу билан бирга, йил давомида айрим хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти қисқариши натижасида бўшаб қоладиган ходимлар, ишга жойлашишга муҳтож бўлган ва талаб қилинадиган касбга эга бўлмаган шахслар бандлигини таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, семинарда мазкур қўмита томонидан дастур параметрларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва бу борадаги муаммоларни ўз вақтида амалий ҳал этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, ушбу зонани ривожлантириш икки томонлама ҳамкорликнинг устувор ва истиқболли йўналишларидандир. «Кореан Эйр» компанияси билан ҳамкорликда бу ерда қитъалараро интермодал логистика маркази барпо этилди. Бу марказ глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланиб бормоқда.

Анжуманда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

Тадбирда Корея Республикасининг «KOGAZ», «KANGV», «Kwangshin», «Eroom G&G», «Engine Tech», «NK» каби кўплаб фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди. Бу эса Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит туфайли кореялик бизнесменларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликни кенгайтиришга эътибори кучаяётганидан далолатдир.

— Ўзбекистонда табиий газнинг улкан захиралари бор, — деди Корея Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги Иқлим ва ҳаво сифати департаменти директорининг ўринбосари Кук Хюн Су. — Ушбу форум транспорт воситалари, хусусан, автомобилларни суюлтирилган ва сиқилган газга ўтказиш, шу мақсадда автогаз тўлдирувчи компрессорлар ва автогаз қуйиш станциялари барпо этиш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилиш учун қулай имконият бўлди. Шунингдек, автомобилларнинг газ билан ҳаракатланиши оқибатида келиб чиқадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш борасида ҳам фикр алмашдик.

Бизнес-форумда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, транспорт ва логистика, саноат, нефть-газ каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Жанубий Корея фирма ва компанияларини Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнига янада кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ФАН — ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуман ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Жорий йилги Жаҳон фан кунининг мавзуси "Фан — халқлар ва маданиятларни яқинлаштириш сари" дея номлангани ҳам бежиз эмас, — дейди ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили А. Осипов. — Фан-техника соҳасида жадал модернизация жараёнлари кузатилаётган ҳозирги кунда ўзаро ҳамкорлик қилиш жуда муҳимдир.

Ўзбекистонда ҳам бу борада улкан ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, соҳа мутахассислари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда, айниқса, ёш олимлар мунтазам рағбатлантирилиб келинмоқда. Бу эса кўплаб истеъдодларни юзага чиқариш, тадқиқотлар олиб бориш учун айни муддаодир. Қишлоқ хўжалиги, экология, жумладан, биохилма-хилликни таъминлаш, астрономия, "яшил технологиялар", муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар шундан далолат беради.

Тадбирда ЮНЕСКО ваколатхонаси вакиллари, олимлар, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

**М. САИДОВ.**

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК

## мамлакатимизда яратилган катта имкониятлар туфайли тобора ривожланиб бормоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).




— Кўргазмага матбаа соҳаси учун Германияда ишлаб чиқарилган ихчам ва тежамкор чоп этиш ускуналарини олиб келганмиз, — дейди "Universal Mashinery" компаниясининг менежери Шавкат Иброҳимов. — Биламизки, бугунги кунда юртимизда матбаачилик ҳам жадал ривожланмоқда. Кўргазма боис ушбу жараёнга ўз ҳиссамизни қўшсак, бундан мамнунмиз.

Имконият бор жойда тараққиёт бўлиши аниқ. "Minitech.uz" саноат маҳсулотлари ва ускуналар иккинчи халқаро кўргазмаси ишлаб чиқарувчиларга шундай муҳит яратиб бераётгани билан аҳамиятлидир.

Халқаро кўргазма жорий йилнинг 13 ноябрига қадар давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# АХБОРОТЛАШТИРИШ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ИЖРО САМАРАДОРЛИГИ

***Юртимизда бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилди. Замонавий талаб ва стандартлар ҳамда конституциявий тамойиллар асосида қабул қилинган ўнга яқин қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу тизимни янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда.***

Мамлакатимизнинг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуни бу борада муҳим ўрин тутади. Ушбу ҳужжатнинг ижро этилиши ахборотлаштириш соҳасидаги замонавий янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш, уни халқ хўжалигининг барча тармоқларида қўллаш жараёнини жадаллаштирди, албатта. Самарқанд вилояти ҳокимлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг

**Парламент назорати**

мазкур Қонуннинг вилоятдаги ижроси юзасидан ташкил этилган сайёр йиғилишида ушбу жиҳатларга алоҳида урғу берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, вилоятда қонун ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун телекоммуникация тармоғидан самарали фойдаланиш, тадбиркорларга қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Самарқандтелеком" филиали томонидан туман алоқа боғламаларида 111 сўзлашув пункти ташкил этилган. Аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш сифатини янада яхшилаш мақсадида АТСлар сони 108 тага етказилган. Шундан 105 тасида бугунги замонавий талабларга жавоб берадиган рақамли электрон станциялар ўрнатилган.

Айни вақтда вилоятда шиша толали алоқа каналларидан фойдаланишга асосланган замонавий телекоммуникация инфратузилмасини яратиш лойиҳалари ҳам жадал амалга оширилмоқда. Масалан, вилоят ҳудудида 2005 — 2010 йиллар мобайнида 557,5 километр шиша толали кабель ётқизилган. Аҳолига интернет хизматларини кўрсатиш мақсадида 47 та электрон АТС замонавий техник ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда вилоятда 129 та хўжалик субъекти аҳолига интернет хизматларини кўрсатмоқда. Уяли алоқа воситаларидан фойдаланувчилар сони эса 1,5 миллион нафардан ошди. Жорий йил мобайнида энг олис ҳудудлардаги 834 та умумтаълим мактаби телефон тармоғи билан таъминланган ва бу борадаги кўрсаткич 95 фоизга етган. Қишлоқ врачлик пунктларида эса бу кўрсаткич 97,5 фоизни ташкил этади.

Шунингдек, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, вилоят ташкилот ва муассасалари ўртасида ягона электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда вилоятда тармоқда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, қонун ижросини таъминлашда йўл қўйилаётган муаммо ва камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш жараёнлари, ахборот тизимларини яратиш ва ривожлантириш, уларнинг бири-бирига мослиги ҳамда ўзаро муносабатини таъминлаш бугунги кун талаблари даражасида эмас. Ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш, жумладан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соҳага инвестиция жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича олиб борилаётган тадбирларни тизимли равишда кучайтириш лозим. Шу билан бирга, соҳада ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари қонун талаблари даражасида олиб борилмаяпти. Техник воситаларни сертификатлаш ва стандартлаштириш жараёни ҳамда дастурий маҳсулотлардан фойдаланишда муаллифлик ҳуқуқига доир қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжуд.

Йиғилишда Қонун ижросини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР ШИДДАТИ

***Куни кеча матбуотда ўнинчи йилнинг тўққиз ойлик якунлари эълон қилинди. Ўзбекистон дунё давлатлари учун осон бўлмаган даврда иқтисодий барқарорликдан дарак берувчи кўрсаткичларга эришди.***

***Ҳар соҳада ўсиш, олға кетиш, илгарилаш кўнгилларга қувонч бағишлайди.***

Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси тақдим этган расмий маълумотда қайд этилганидек, тўққиз ойлик харажат ва даромадлар чўтга солинганда, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди. Демак, даромад салмоғи сарфланган харажатдан юқори. Дунёдаги манаман деган давлатлар бюджетда камомадга йўл қўйишган бир пайтда биздаги аҳвол чин маънода ҳавас қиларлидир. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати самарасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 8,1 фоиз, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 15,1 фоиз таъминланди. Чет эллик сармоядорлар, энг аввало, тинчлик ва осойишталик барқарор юртга, қонунлар устувор мамлакатга инвестиция қўйишга ҳаракат қилишади. Шу маънода, Ўзбекистон аксарият ишбилармонлар учун жозибадор мамлакат сифатида намоён бўлмоқда.

Юртимизда маҳсулот экспорти ҳажми 10,9 фоиз ошди, ташқи савдо айланмаси ижобий сальдоси 3,6 миллиард доллардан юқори бўлди. Бу рақамлар айтишга осон. Уларни реал воқеликка айлантириш учун мамлакатимизнинг экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш, экспортни диверсификация қилиш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштиришга оид жуда кўп чора-тадбирлар амалга оширилди. Бизда тайёрланган пишиқ-пухта маҳсулотлар хорижлик истеъмолчилар томонидан маъқул кўрилаётган экан, бу билан Ўзбекистон номи бутун дунёга таралмоқда.

Банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш учун қиймати 2,4 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир. Шундай

**Шарҳ**

ўсиш юртимизнинг ҳар бир фуқаросига куч-қудрат, ғурур ва юксак кайфият бахш этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жаҳондаги нуфузли ташкилотлар томонидан муносиб баҳоланаяпти. "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги таҳлилчиларининг фикрига кўра, бизда тартибга солиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, бевосита молиявий қўйилмалар орқали молия соҳасини самарали бошқариш жаҳон тан олган қоидалар асосида йўлга қўйилган. Яна бир халқаро рейтинг агентлиги — "Стандарт энд Пурс" билдирган баҳога кўра, Ўзбекистон банкларининг халқаро молия бозорларига унчалик қаттиқ боғланмаганлиги ва уларнинг МДҲнинг бошқа йирик мамлакатларига қараганда ташқи қарзи камлиги Ўзбекистон банк тизимини глобал бозорлардаги салбий жараёнлардан ҳимоя қилгани таъкидланади.

Яна бир муҳим кўрсаткич ҳақида алоҳида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир. 2010 йилнинг тўққиз ойида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 48,5 фоизни ташкил қилди. Демак, дунёнинг тараққий этган мамлакатларидаги ижобий тажрибалар юртимизда қадам-бақадам жорий этилмоқда. Кичик бизнес, аввало, талаб ва таклифнинг боришига қараб, маҳсулот турини тезда ўзгартириш имкониятига эга. Бу соҳа ривожланган сайин аҳоли бандлиги янада яхшиланади, халқнинг турмуш фаровонлиги тобора юксалади. Пухта ўйланган сиёсат туфайли жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз бўйича 784,9 минг янги иш ўрни яратилди. Унинг 502,4 мингдан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Иш ўринларининг катта қисми — 503 мингтаси (64,1 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, 253 мингтаси (32,2 фоиз) хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида барпо этилди.

Президентимиз ташаббуси билан Навоийда эркин иқтисодий-индустриал зона барпо этилаётганлиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тарихий воқеадир. Бугунги кунда "Навоий" халқаро аэропорти орқали 5 янги йўналиш бўйича Европа ва Осиёнинг йирик логистика марказларига "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг "А-300" самолётларида юк ташиш бўйича мунтазам халқаро авиақатновлар йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида "Навоий" халқаро аэропорти орқали 18,5 минг тонна юк ташилди ва юк ташиш бўйича 674 рейс амалга оширилди. Ушбу рақам ўтган йилнинг шу давридагига қараганда уч баравар кўпдир.

Қишлоқларда замонавий уй-жой барпо этиш чин маънода халқимиз ҳаёти ва тафаккурини ўзгартирмоқда. Бундай хонадонларга кўчиб кирган одамлар ислоҳотнинг асл маъно-мазмунини ўз ҳаётларида ҳис этишаяпти. Тўққиз ойда мамлакатимиз бўйича қишлоқ жойларда уй-жой қуриш доирасида "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида 3597 уй-жой фойдаланишга топширилди, қиймати 366,5 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

Ўтган муддат давомида чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида кимошди савдолари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига 21 минг бош наслдор қорамол сотилди, кам таъминланган оилаларга 8055 бош қорамол бепул берилди. Тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 34,7 миллиард сўм ажратилди. Шундай қилиб, ҳозирги пайтда қорамоллар умумий сони 8893,4 минг бошга етди.

Тилга олинган рақамлар замирида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деб аталган шиорнинг амалий ижроси мужассам. Бу 2010 йилнинг тўққиз ойи якунларида ҳам намоён бўлиб турибди.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 738,3 ▲ +2,1 | УН биринчи нав 502,0 ▼ -0,01 | УН иккинчи нав 466,4 ▼ -6,4 | ПАХТА ЁҒИ 1723,4 ▼ -33,8 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 191,9 ▲ +0,1

**Осиё мамлакатлари 2010 йилнинг 12 ноябрини интиқлик билан кутмоқда. Сабаби, шу куни тўрт йилда бир бор ташкил этиладиган Осиё ўйинларининг навбатдагиси расман очилади. Унда ҳамюртларимиз ҳам иштирок этадилар ва спортнинг 29 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борадилар. Бокс, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, оғир ва енгил атлетика, юнон-рум кураши, эркин кураш, спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, ўқ отиш, дзюдо, академик эшкак эшиш, сузиш, теннис, каратэ, аёллар сув полоси, таэквондо (ВТФ), велоспорт, футбол, стол тенниси, шахмат, қиличбозлик, трамполин, триатлон, ушу, замонавий бешкураш, боулинг, баскетбол, аёллар кураши, стенддан ўқ отиш каби спорт турларидан ўз кучу маҳоратларини синовдан ўтказадилар. Уларнинг орасида сув спорти усталарига ҳам катта умид билдирилмоқда. Шу ва умуман, юртимизда мазкур спорт турининг ривожи ҳақида Ўзбекистон Республикаси сув спорти федерацияси бош котиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Александр Гнедовский билан суҳбатда бўлдик.**

# ИНТИЛИШ, ШИЖОАТ, ҒАЛАБА

## Спортчиларимиз эртага бошланадиган қитъа мусобақаларида ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

— XVI Осиё ўйинларида сузиш бўйича натижаларимизни янада яхшилаш асосий мақсадимиз, — дея сўз бошлади суҳбатдошимиз. — Президентимизнинг 2009 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX Ёзги олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори бу борадаги фаолиятимизда дастуриламал бўлаяпти. Шу асосда федерациямиз томонидан махсус дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Бунинг натижасида сузиш йўналишларининг деярли барчасида 25 йилдан бери ўзгармай келаётган рекордлар охирги икки йил ичида янгиланди. Эътирофга лойиқ томони, рекордчиларимизнинг барчаси ёш авлод вакилларидир.

**— Бундай самаралар моҳияти нимада?**

— Аввало, бунда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор муҳим роль ўйнамоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан шаҳару қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий спорт мажмуалари, шу жумладан, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари ана шу самараларга замин яратмоқда. Шунга яраша сув спорти ихлосмандлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Айни пайтда Тошкент шаҳри ва вилояти, Андижон, Навоий, Самарқанд, Наманган каби вилоятларда сув спорти бўйича мустаҳкам моддий-техник базага эга инфратузилма барпо этилган. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги сув спорти бўйича секциялар, тўгараклар самарали фаолият олиб бораяпти.

Мазкур спорт турининг оммалашишида ҳомий ташкилотлар, шу жумладан, "Навоий" КМК ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Яна бир қувонарли томони, дунё тажрибасида учрамайдиган уч босқичли спорт ўйинлари — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари дастурларидан сузиш турларига алоҳида ўрин берилган. Мазкур ноёб турнирларда соғлом рақобат тобора кучайиб бормоқда. Ғолибликка даъвогарлик қиладиган истеъдод эгалари кўплаб етишиб чиқаётгани шундан далолат беради.




Бугун халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган сузувчи ўғил-қизларимиз айнан уч бўғинли тизимда тобланиб, катта ареналарга учирма бўлганлар. Уларнинг орасида Тошкент шаҳридан Юлдуз Қўчқорова, Александр Дерлюгов, Сергей Паньков, Данил Бугаков, Дмитрий Швецов, андижонлик Раъно Омонова, Собитжон Амилов, Навоий вилоятидан Петр Ромашкин, Максим Даниленко ва Данил Тулупов энди XVI Осиё ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Уларнинг барчаси навқирон авлод вакиллари. Энг кенжаси 16 ёш бўлса, тўнғичи 22 га тўлди.

**— Спортчиларимиз орасида Гуанчжоу йўлланмасини қўлга киритиш учун кураш қандай кечди? Умуман, бу йилги саралаш босқичлари бошқаларидан нимаси билан фарқ қилди?**

— Август ойида Осиё ўйинларида қатнашиш имкониятини берадиган Республика саралаш мусобақаси ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг юздан ортиқ сув спорти усталари баҳс олиб бордилар. Айтиш керакки, ўзига хос плей-оффда рақобат ҳар доимгидан-да кучли кўриниш олди. Уларнинг натижалари Халқаро сув спорти федерацияси (ФИНА) қоидалари асосида баҳоланди. Яъни барча — эркин, чалқанча, комплекс, брасс, баттерфляй йўналишлар ва масофаларда қайд этилган кўрсаткичлар 800 баллик тизимга солинди. Унда энг яхши баҳо олган ва юқорида номи келтирилган вакилларимиз Хитойга борадиган бўлишди.

**— Қитъа миқёсидаги мусобақа жиддий тайёргарликни талаб қилади.**

— Албатта. Бунинг учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Терма жамоамиз бош мураббийси Саида Искандарова шогирдлари дастлабки машғулотларни Тошкентдаги "Саховат спорт-сервис" мажмуасида бошладилар. Сўнгра хориж йиғинига жўнаб кетишди. Дастлаб Россиядаги "Озера круглая" спорт базасида тажриба орттиришди. Сўнгра Арманистондаги "Цахкадзор" мажмуасида машғулотларда қатнашишди. Бу йиғин 25 октябрь куни ниҳоясига етиб, спортчиларимиз мамлакатимизга қайтиб келишди. Тайёргарлик эса Бекобод шаҳрида шу йил қуриб фойдаланишга топширилган ва барча қулайликларга эга сув ҳавзасида давом эттирилди. Терма жамоамиз аъзолари 13 ноябрдан мусобақаларга киришишади.

**— Вакилларимиз бу йил қандай халқаро мусобақаларда иштирок этдилар?**

— Улар Испаниянинг Барселона шаҳрида ташкил этилган "Маре нострум" ва Франциянинг Канет шаҳрида бўлиб ўтган нуфузли халқаро турнирда ўз кучларини синовдан ўтказдилар. Дунёнинг қатор мамлакатларидан тажрибали сув спорти усталари қатнашган чемпионат бизнинг спортчилар учун ҳам муваффақиятли ўтди, дейиш мумкин. Жумладан, 100 метрга чалқанча сузишда Юлдуз Қўчқорова ва шу масофага эркин усулда сузишда Данил Тулупов мамлакат рекордини янада яхшилашга муваффақ бўлди.

Бу эса Осиё ўйинлари олдидан ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтаб берди.

**— Терма жамоамизни қитъа миқёсидаги йирик мусобақада жиддий рақобат кутиб тургани табиий.**

— Осиё ўйинларида Хитой, Япония, Корея, Индонезия, Таиланд каби мамлакатлар ғолиблик учун жиддий даъвогарлик қиладиган спортчиларга эга. Лекин бу бизнинг имкониятларимизни асло пасайтирмайди. Масалан, ўтган йили Сингапурда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги I Осиё ўйинларида шогирдимиз Юлдуз Қўчқорова совриндорлар қаторидан ўрин олганди. Жорий йилги медаллар салмоғини ошириш эса ўз қўлимизда. Имкониятлар ҳам етарли. Бунинг учун фақатгина астойдил ҳаракат қилишимиз, ғалаба сари интилишимиз, шу орқали ишончни оқлашимиз зарур.

**— Омад ёр бўлсин!**

— Раҳмат!

**Саиджон МАХСУМОВ суҳбатлашди.**

МАДАНИЯТ *хабарлари*

## Музейда янги кўргазма

***Бухоро шаҳридаги Камолиддин Беҳзод номли санъат музейида "Самарқанд ва Бухоро. Потсдамдаги ихтисослаштирилган институтнинг маданий ёдгорликларни таъмирлаш бўйича лойиҳалари" деб номланган кўргазма очилди.***

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур кўргазмада кўплаб фотостендлар ўрин олган. Улар Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлиги доирасида меъморий обидаларни таъмирлаш бўйича бажарилган лойиҳалар хусусида бой тасаввур уйғотади. Айтиш жоизки, бу ҳамкорлик натижасида Бухородаги Абдулазизхон мадрасаси, Самарқанддаги Тиллакори масжиди, Шодимулкоға мақбараси каби ёдгорликлар таъмирланди.

Кўргазма ноябрь ойининг охиригача қадар давом этади.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ҳайрат булоқлари» тақдимоти

***Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти мусиқали драма театрида фарғоналик ёш ижодкорларнинг "Ҳайрат булоқлари" китоби тақдимоти бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан нашрга тайёрланган мазкур китобда 70 дан зиёд ёшларнинг ижод намуналари ўрин олган.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Охунжон Ҳакимов, адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов вилоятда ёшлар шеърияти ривожланаётганлигини, умидли иқтидор эгалари ўзбек адабиётига янгича руҳ билан кириб келаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

**Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## «Оналар куйлаганда»

***Қарши шаҳрида "Оналар куйлаганда" республика анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.***

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ижодий беллашувда алла, лапар ва ўлан ижрочилари ўз репертуарлари билан қатнашдилар.

Якунда Қамаши тумани вакиллари биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

**А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО (11 ноябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 4-9 даража илиқ, кундузи 14-19 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 5-10 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 14-19 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 5-7 даража илиқ, кундузи 17-19 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

*Ҳурматли юртдошлар!*

«АСАКА» банки (ОАЖ)

ASAKA BANK

сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни билан табриклайди ва қуйидаги янги, муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

«ФАЙЗЛИ-1»

Сақланиш муддати — 1 йил, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

«СТИМУЛ-1» — АҚШ долларида

Сақланиш муддати — 1 йил, ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки ёпилгандан сўнг берилади.

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 229-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 234-17-96 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 223-72-47 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

*Хизматлар лицензияланган.*

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

1095R/7

*СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ*

ИП ООО «PAKHTAKABEL ZAVODI»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ кабельно-проводниковую продукцию

- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АППБН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АППВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 16 мм² до 600 мм².

E-mail: pakhtakabel@mail.ru

Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.
Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51.
Телефоны: (+998 97) 485-65-23, (+998 98) 304-00-94.

КЎРГАЗМАГА ШОШИЛИНГ!

16-18 НОЯБРЬ 2010

«Узэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

Chemie CHEMICAL INDUSTRY

4-Марказий Осиё Халқаро кўргазмаси

КИМЁ САНОАТИ

plastex UZBEKISTAN

1-Ўзбек Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси

ПЛАСТМАССА ВА КАУЧУКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМДА УЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН ХОМ АШЁ, УСКУНАЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ташкилотчи: Guvohnoma № 3583

www.ite-uzbekistan.uz

ITE UZBEKISTAN

Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 20
Телефон: (+998 71) 113 01 80, факс: (+998 71) 252 51 64. E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

ufi Member

1075R/59

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 172,0 ▲ +6,7 | ЦЕМЕНТ (ппц400 кд20) 170,0 ▲ +3,7 | АРМАТУРА 2202,8 ▲ +882,8 | ШИФЕР (1 лист) 14254 ▼ -91,0 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 38595 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Улугмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5